

ИННОВАЦИЯ, ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ВА ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРЛИК ТУШУНЧАЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

РАХМОНОВ АЗИЗ ИСКАНДАРОВИЧ

СамИСИ “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси ўқитувчиси

Тел: +998 93 357 39 39

E-mail: rahmonovaziz1983@gmail.com

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар: Инновация, инновацион фаолият, инновацион инфратузилма, тадбиркорлик, инновацион тадбиркорлик, иқтисодиёт, инновацион иқтисодиёт, хизмат кўрсатиш, стратегия.

Аннотация

Мақолада инновация, инновацион фаолият ва инновацион тадбиркорлик тушунчаларининг моҳияти ва аҳамияти назарий жиҳатдан ёритилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2023 LWAB.

Ўзбекистонда сўнги йилларда иқтисодиётни инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш мақсадида амалга оширилаётган ислохотларга устуворлик қаратилиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “...биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз” [1], деб айтган фикрлари кейинги йилларда мамлакатимизда миллий иқтисодиёт тармоқлари, жумладан, хизмат кўрсатиш корхоналари инновацион фаолияти ривожлантиришнинг услубий асосларини тадқиқ этиш танланган диссертация мавзусининг долзарб ва илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини англатади.

Инновация ва корхоналарнинг инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари Шумпетер Й., Татаркин А.И., Суховей А.Ф., Гурков И.Б., Храмцова Н.А., Ахматова А.А., Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Шавқиев Э.Ш., Нормуродов У.Н., Карриева Я.К., Таниев А., Зайнуддинов Ш.Н., Расулов Н.М., Акрамова Ш.Г [2] каби иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида ўрганилган.

Республикамизда инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва инновацион фаолият яратиш учун инновацион инфратузилмани шакллантириш муҳим ҳисобланади. Ушбу жараённи амалга ошириш инновацион иқтисодиётни қуйидаги тизим (занжир) асосида: “Инновация -инновацион фаолият - инновацион инфратузилма - инновацион тадбиркорлик” фаолият юритиши учун шарт-

шароит яратади [3].

Шу боис бизлар даставвал инновацион фаолиятнинг асосий категорияларини ўрганиш учун «инновация» тушунчасининг иқтисодий мазмуни ва моҳиятини ёритишни лозим топдик. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “инновация” атамаси инглиз тилидаги “innovation” сўздан олинган бўлиб, киритилган янгилик, ихтиро, деган маъноларни англатади. Ўша жойнинг ўзида ушбу атамага учта изоҳ берилган. 1 Техника ва технологияларнинг янги турлари (авлодлари)ни жорий этиш мақсадида иқтисодиётга сарфланган маблағлар. 2 Илғор техника ватехнология, бошқариш ва бошқа соҳалардаги янгиликлар ва уларнинг турли соҳаларда қўлланилиши. 3 Муайян тилда, асосанунинг марфология соҳасида энг сўнгги даврларда пайдо бўлган янги ҳодисалар (тил бириклари) [4].

В.А.Макаренко [5] таҳрири остида нашр этилган замонавий тушунча ва терминлар луғатида “инновация” терминига яна ҳам кенгроқ тавсиф берилган. Луғатда “инновация” термини қуйидаги мазмунда баён қилинган: “инновация - бу:

1. техника ва технология авлодининг алмашинувини таъминлаш мақсадида иқтисодиётга маблағ йўналтириш;
2. илмий-техника тараққиётининг масъули бўлган янги техника,технологиядан фойдаланиш;
3. янги ғояларни ишлаб чиқиш, синтезлаш, янги назария ва моделларни яратиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш;
4. индивидуал тусдаги, такрорланмас, сиёсий дастурларни амалга ошириш;
5. тилшуносликда янгидан ташкил этиш, нисбатан янги кўриниш”.

Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонуни [6] 3-моддасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2022 йил 15 октябрда қабул қилинган “Республика ҳудудларида инновация ва инвестиция фаолиятини жадаллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 606-сон Қарорида инновация тушунчасига қуйидагича таъриф келтирилган: “**ИННОВАЦИЯ** - фуқаролик муомаласига киритилган ёки шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган, қўлланилиши амалиётда катта ижтимоий-иқтисодий самарага эришишни таъминлайдиган янги ишланма” [7].

«Инновация» тушунчасидан иқтисодий категория сифатида биринчилардан бўлиб фойдалана бошлаган иқтисодчи Йозеф Алоиз Шумпетер бўлиб, унинг фикрига кўра, ривожланишнинг асосий ҳара-катлантирувчиси бўлиб, тадбиркорлик қобилияти ҳисобланади ва у ишлаб чиқариш омилларининг янги тартибдаги бирикиш йўллари қидириб топишдан иборатдир [8]. Инновацияларнинг моҳияти илмий-техник ишланма ва кашфиётларнинг амалий қўлланилишида ифодаланмайди. Инновация ўзгариш омилнинг яққол функцияси сифатида намоён бўлади. Мазмунан инновация соҳаси кенг қамровли: у ўз ичига маҳсулотдаги, жараёнлардаги, маркетингдаги, ташкилотдаги ўзгаришларни қамраб олади. Шумпетер нуқтаи назаридан инновация – бу такомиллаштириш эмас, балки ишлаб чиқариш функциясининг сезиларли даражада алмаштирилиши бўлиб, ишлаб чиқариш воситаларининг ўзаро янги бирикишидан иборат бўлади.

Таъкидлаш жоизки, Шумпетерни энг аввало инновацияларни жадаллаштиришнинг хўжалик юритиш жараёнига таъсири қизиқтирган ва бу ҳол аввалдан мавжуд бўлган тайёр маҳсулотга янги функцияни киритиш деб тушунилган, натижада эса фойда ўртачадан юкори даражани ташкил этади деб ҳисобланган. Унинг фикрича, инновацияларни жорий этилиши, энг аввало,

мавжуд ишлаб чиқариш омилларининг кўпайтирилишини эмас, балки аксарият ҳолларда мавжуд омиллардан фойдаланишнинг янги шарт-шароитларига йўналтирилишини англатади.

Иқтисодий адабиётларда инновация деб аталувчи асосий иқтисодий тушунчанинг мавжуд хусусиятларини тавсифловчи кўплаб таърифлар мавжуд. Хусусан, Л.И.Татаркин ва А.Ф.Суховайларнинг [9] тадқиқотларида: «Инновация – янги маҳсулот (маҳсулот (буюм) тури, технология, ташкилий шакл ва шу кабилар) бўлиб, илмий ва илмий-техник билимларнинг амалиётга жорий этилиши натижаси ҳисобланади ва ундан фойдаланиш иқтисодий ва ижтимоий самарага олиб келади», деб таъриф берилган бўлса, И.Б.Гурков эса ушбу категорияга қуйидагича таъриф берган: «Инновация – ғоя (фикр) ёки амаллар тарзининг (тизим, дастур, қурилма, жараён, маҳсулот ёки хизмат) қабул қилиниши бўлиб, қўллашга қабул қилаётган ташкилот учун улар янгилик ҳисобланади» [10]. Ушбу талқинга кўра инновация деб, амалда корхона даражасида турли фаолият соҳасидаги исталган ўзгариш тушунилади.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимларнинг ҳам бу борадаги илмий ишларига тўхталиб ўтмоқчимиз. Жумладан, Қ.Ж.Мирзаев., Э.Ш.Шавқиев ва Б.К.Жанзаковлар томонидан инновация тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: “**Инновация** - қандайдир янги ёки сезиларли даражада яхшиланган маҳсулот (товар, хизмат) ёки жараённи, маркетингнинг янги услубини иш амалиётида, иш жойларини ташкил қилишда ёки ташки алоқаларда янги ташкилий услубни истеъмолга киритишдир”.

Профессор М.Қ.Пардаевнинг фикрича “**инновация** дейилганда, илғор ғояларасосида амалга оширилган ишланмалар натижаларининг фан ва техника ютуқлари, илғор технология ва янги ихтиролар сифатида турли соҳаларда (иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётимизда, бошқарув тизими кабиларда) қўлланиши билан боғлиқ ҳодиса тушунилади” [11]. Мазкур таъриф ҳамма соҳага, ҳамма вақтга ва ҳамма манфаатдор субъектларнинг манфаатларига мос келади.

Инновация ва инновацион фаолият анъанавий илмий-техник тараққиёт йўналиши ҳамда амалий ишланмалар ва илмий тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш билан боғлиқ жараён сифатида майдонга чиқади. Инновацион фаолият макон ва замонда мавжудлиги, ўз ўрнига эга эканлиги сабабли иқтисодиётнинг муҳим объектларидан бири ҳисобланиши табиий ҳол. Бироқ, иқтисодиётга оид адабиётларда инновацион фаолиятнинг мазмун ва моҳияти, уни таснифлаш ва тавсифлаш асослари, ушбу фаолиятга доир маълумотларни ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлигини текшириш тартиби етарлича очиқ берилмаган.

Илмий иқтисодий адабиётларда «инновацион фаолият» терминига кўплаб турлича таърифлар келтирилган ва кенг ёритилган ҳамда ушбу ҳодиса билан боғлиқ жараёнларнинг кўп хусусиятли туркумланиши таклиф этилган. Хусусан, Я.К.Карриева “Инновацион логистика” номли дарслигида: “**Инновацион фаолият** ҳақиқатдан инновацияни амалга оширишга олиб келадиган ёки шу мақсад билан кўзлаб қилинган барча илмий, технологик, ташкилий, молиявий, тижорат, маркетинг ҳаракатлардир. Инновацион фаолият шунингдек қандайдир аниқ инновацияни тайёрлаш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган тадқиқотлар ва ишланмаларни ўз ичига олади” [12], деб таъриф берган бўлса, А.Таниев ушбу категорияга қуйидагича таъриф берган: “**Инновацион фаолият** – бу инновацияни амалга оширишга олиб келадиган ёки шу мақсад билан кўзлаб қилинган барча, илмий, технологик, ташкилий, молиявий, тижорат, маркетинг ҳаракатларидир. Инновацион фаолият, шунингдек, қандайдираниқ инновацияни тайёрлаш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган тадқиқотлар ва ишланмаларни ўз ичига олади” [13].

Инновацион фаолият тушунчасига Қ.Ж.Мирзаев., Э.Ш.Шавқиев ва Б.К.Жанзаковлар

“Инновацион иқтисодиёт” номли ўқув қўлланмасида батафсил таъриф келтириб, қуйидагиларни келтириб ўтганлар.

Мамлакат иқтисодиётини инновацияга асосланган ҳолда ривожланишда ҳамда унинг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлигини таъминлашда инновацион фаолият муҳим ҳисобланади. Инновацион фаолият дейилганда, корхона ва ташкилотлардаги иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник ва бошқа йўналишлар асосида янги ғоя ва фикрларни жорий этиш натижасида самарадорликни ошириш жараёнидан иборатдир.

Республикаимиз иқтисодиётида инновацион фаолият мавжуд бўлиши қуйидагиларни талаб этади. Жумладан:

- корхоналар амалиётида инновацион замонавий илмий билим ва кўникмалар асосида фаолият йўлга қўйилганда;
- инновацион ишланмаларни бозор иқтисодиёти талаблари асосида тижоратлаштириш амалга оширилганда;
- корхоналарда янги ғоя ва фикрларни яратувчи интеллектуал илмий салоҳиятни янги маҳсулот (хизмат кўрсатиш)ни амалга оширишга йўналтирилганда;
- корхона ва ташкилотларда илмий-техника ғояларини шакллантиришга асосланган инновацион жараёнларнинг бевосита бошқарув жараёнини қамраб олганда;
- корхона ва ташкилотларда истеъмолчилар эҳтиёжлари асосида янги ғояни амалиётга татбиқи бўйича тезкор инновацион цикл яратилганда ва шу қабилида намоён бўлади.

Инновацион иқтисодиётнинг илмий-услугий асосларини моҳиятини баён этиш инновацион фаолият билан бирга бевосита инновацион инфратузилма билан боғланган. Инновацион инфратузилма дейилганда шундай ташкилот ва корхоналар мажмуаси тушуниладики, улар инновацион ғоя, янгилик ва инновацион фаолиятни амалиётга амалга оширишни ижро қилиш ҳисобланади. Бундай ташкилот ва корхоналар мажмуаси жумласига илмий-техникавий ташкилотлар, таълим ишлаб чиқариш ташкилотлари ва бирлашмалари, технологик инкубаторлар, технопарклар, ишчи ўқув марказлари, венчур ва инновацион фондлар ҳамда инновацион марказлар ва бошқалар ҳисобланади. Инновацион инфратузилма субъектларининг асосий бош мақсади, инновацион фаолиятнинг ҳамда илмий тадқиқот иши натижаларини янги инновацион ғояларни амалиётга татбиқ этишдан иборатдир.

Шундай қилиб, инновация ва янгиликлар инновацион фаолият натижасида юзага келади, улар ўзаро боғлиқ ва бири иккинчисисиз мумкин эмас. Уларнинг асосий фарқи шундаки биринчи ҳолатда – янги маҳсулот шаклланиши жараёни рўй берса, иккинчисида – уни тижоратлаштириш жараёни амалга оширилади.

Инновация хўжалик юритувчи субъектларда амалга ошириладиган ишлаб чиқаришни, унинг моддий техника базасини янгилаш ҳамда ривожлантириш мақсадида янги ғоялар ва ишланмаларни яратиш, ўзлаштириш ва татбиқ этишга қаратилган махсус фаолиятдир. Фаолият сифатида инновацияларни инсоният меҳнат фаолиятининг барча жаҳаларида қўллаш мумкин, шу жумладан хизмат кўрсатиш соҳаситармоқларида ҳам.

Инновацион фаолият қуйидаги йўналишлардаги янгиликни ихтиро қилиш ва жорий қилишни ўзида мужассамлаштиради:

- янги маҳсулот (хизмат);
- янги технологик жараёнлар ва ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)ни ташкилий шакли;

➤ янги бошқарув жараёни ва ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг ҳал этилиши, уларга мос равишда, янги молиявий дастаклар ва ташкилий тузилмалар.

Инновацион фаолиятнинг пировард натижаси бўлиб инновация маҳсулоти (хизмат, технология) ҳисобланади. Инновация маҳсулоти (хизмат, технологияси) ўзининг ҳажми билан фарқланади, у янги технологияни жорий этилиши эвазига корхона ишлаб чиқариш имкониятларини ўсишини ифодаловчи кўрсаткичларда ўз аксини топади. Иқтисодиётга инновацияларни жорий этиш ўз навбатида давлат иқтисодий ҳамда ижтимоий-сиёсий фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга аҳоли яшаш шароитини яхшилашга хизмат қилади.

Инновацияларнинг характерли жиҳатлари (белгилари) сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- янгилик (илмий-техникавий, иқтисодий-бошқарув, ижтимоий ва ҳоказо);
- амалий аҳамиятлилиги (фан, техника, технология ва ишлаб чиқаришнинг ривожланган даражасида ҳам инновацияни қўлланилиш мумкинлиги);
- тижоратни аҳамияти (бозор иқтисодиётида қўлланилиши, бу инновацияни самарадорлигининг шартидир).

Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг ташаббускори бўлиб тадбиркор, яъни шахс ҳисобланади, чунки, айнан тадбиркор (шахс) фойда олиш учун ресурслардан оқилона фойдаланиш йўлини излай бошлайди.

Инновацион иқтисодиётнинг илмий услубларини баён қилишда инновацион тадбиркорлик уни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш муҳим ҳисобланади. Бундай фаолият асосан инновацияни яратувчи инсонларнинг фаолиятидан ташкил топади. Инновацион иқтисодиётда инновацион инфратузилма тадбиркорлиги дейилганда, шундай тузилма тушуниладики, бунда инноваторлар ва тадбиркорларнинг инновацион фаолиятини самарали ва рационал ташкил этиш учун шароит яратувчи ташкилот тузилмалари (уюшмалар, марказлар ва ҳоказолар) фаолиятидан иборат бўлади.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномада кенг қамровли иқтисодий ислохотлар негизидаги мақсадларга эришишнинг устувор вазифалари қаторида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар жадал давом эттирилишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Фаол тадбиркорлик тушунчасининг мазмунига Президентимиз алоҳида изоҳ бериб ўтган эди. Жумладан, «Фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий йўналишдир» [14].

Маълумки, тадбиркорлик назариясига кўра унинг қуйидаги икки модели фарқланади [15]:

- анъанавий (классик) тадбиркорлик;
- инновацион тадбиркорлик.

Анъанавий (классик) тадбиркорлик – бу иқтисодий фаолиятни самарали ташкил этиш, унинг рентабеллигини ошириш ва хизмат кўрсатиш турларини кенгайтиришда хўжалик юритишнинг анъанавий усуллари билан фойдаланган ҳолда, ресурслардан максимал даражада самара олишга йўналтирилган анъанавий, консерватив тадбиркорликдир. Анъанавий тадбиркорлик мамлакатда айни пайтга қадар маълум бўлган ва кенг тарқалган, фаолиятни ташкил этиш ва юритишда ижодкорлик, янгича ёндашув ва усуллари тақозо этмайдиган, иқтисодий юксалишнинг кўпроқ конъюнктуравий ўзгаришларга хос вазиятлардан унумли фойдаланиш орқали таъминланишига асосланган фаолият турлари билан шуғулланиш орқали амалга оширилади. Бироқ, ҳозирги

вақтда ушбу соҳада рақобат тобора кучайиб бораётган шароитда ҳам кўплаб тадбиркорларимиз ҳамон фаолият юритишнинг соддалиги ва маблағ айланмасининг тезлиги каби сабаблар туфайли мазкур анъанавий тадбиркорлик шакли билан кифояланиб қолиш ҳолатлари мавжуд.

Инновацион тадбиркорлик – бу янгилик яратиш мақсадида иқтисодиётдаги ҳали маълум бўлмаган ёки кенг тарқалмаган омиллардан фойдаланиш ёки уларни анъанавий омиллар билан янги тарзда уйғунлаштириш орқали янги ёндашув асосида олиб бориладиган тадбиркорлик фаолиятидир. Инновацион тадбиркорликнинг устун жиҳати – бу унинг анъанавий тадбиркорликка нисбатан кўпроқ натижа олиб келиши ҳисобланади. Бироқ, айти пайтда таъкидлаш лозимки, инновацион тадбиркорлик тадбиркорларнинг олдига ўзига хос талаблар кўяди, уларнинг доимий равишда ижод қилиши ва изланиши, янги билимларни ўзлаштириши ва амалиётга жорий этиши, янги технологияларни қидириши ва улардан самарали фойдаланишини тақозо этади.

Шунга кўра, Президентимизнинг таъбирича, фаол тадбиркорликнинг асосий шартин инновацион фаолият тури билан шуғулланиш ҳисобланади. Бу эса тадбиркорлик фаолиятида замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усулларидан фойдаланишни кўзда тутади.

Шундай қилиб, Республика миқёсида инновацияларни жорий этиш ва улардан оқилона фойдаланиш иқтисодий тармоқлар ва соҳаларда инновацион муҳитни шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз хизмат кўрсатиш корхоналарида инновацион маҳсулотлар яратиш ва хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш ўз навбатида ишлаб чиқариш жараёнининг янги кўринишларини жорий қилиш, иш ўринларни ташкил этиш ҳамда ташқи алоқаларнинг кенгайтишига шароит яратади.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Олий мажлисга мурожаатномаси <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>
2. Шумпетер Й. История экономического анализа в 3 тт. – СПб.: Экономическая школа, 2004.;
3. Татаркин А.И., Суховой А.Ф. Ключи к мировому рынку: инновационное предпринимательство и его возможности. М.: ЗАО «Изд-во Экономика», 2002.
4. Гурков И.Б. Инновационное развитие и конкурентоспособность. Очерки развития российских предприятий. М.: ТЕИС, 2003.;
5. Храмова Н.А., Ахматова А.А. Теоретические основы управления инновационной деятельности предприятия. // Стратегии бизнес / Электронный научно-экономический журнал. № 10 (54). 2018.;
6. Пардаев М.Қ., Мамасоатов Т.Х., Пардаев О.М. Модернизация, диверсификация ва инновация-иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари, Монография- Т.:“Наврўз”, 2014.;
7. Мирзаев Қ.Ж., Шавқиев Э.Ш., Жанзаков Б.К. Инновацион иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. – Т.: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2020.;
8. Нормуродов У.Н., Рахимов З.К., Шавқиев Э.Ш. Ўзбекистонда савдо хизматларини инновацион ривожлантириш истиқболлари. Монография. – Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2019.;

9. Карриева Я.К. Инновацион логистика. Дарслик.–Т.: IQTISODIYOT, 2019.; Taniyev A. “Innovatsion iqtisodiyot”. Darslik. –Samarqand: SamDU nashri, 2020.;
10. Зайнулдин Ш.Н., Расулов Н.М. Инновацион менеджмент (дарслик). - Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матба уйи”, 2020.;
11. Акрамова Ш.Г. Ўзбекистонда инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида инсон капиталининг ривожланиши. Монография. -Т.: Iqtisod-Moliya, 2014.
12. Мирзаев Қ.Ж., Шавқиев Э.Ш., Жанзаков Б.К. Инновацион иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. – Т.: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2020, 30-бет.
13. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 80000 дан ортиқ сўз бирикмаси.Ж.П.Б-М. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИН, 2006, 213 бет.
14. Макаренко В.А. Современный словарь. 2 т. –М.: 2010.
15. Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонуни: Тошкент, 2020 йил, 24 июль.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 октябрдаги “Республика ҳудудларида инновация ва инвестиция фаолиятини жадаллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 606-сон Қарори 1 иловаси.
17. Шумпетер Й. История экономического анализа в 3 тт. – СПб.: Экономическая школа, 2004.
18. Татаркин А.И., Суховой А.Ф. Ключи к мировому рынку: инновационное предпринимательство и его возможности. М.: ЗАО «Изд-во Экономика», 2002, с.16.
19. Гурков И.Б. Инновационное развитие и конкурентоспособность. Очерки развития российских предприятий. М.: ТЕИС, 2003. с. 8.
20. Пардаев М.Қ., Мамасоатов Т.Х., Пардаев О.М. Модернизация, диверсификация ва инновация-иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари, Монография- Т.:“Наврўз”, 2014, 38-бет.
21. Карриева Я.К. Инновацион логистика. Дарслик. –Т.: IQTISODIYOT, 2019. –280-б.
22. Taniyev A. “Innovatsion iqtisodiyot”. Darsik. –Samarqand: SamDU nashri, 2020 y.– 442-b.
23. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. – <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-22-12-2017>.
24. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма. – Т.: «Маънавият», 2019, 106-107 - бетлар.
25. Шарипов Т. С., Мирзаева Ш. Н. СОСТОЯНИЕ ВНЕДРЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ В СФЕРЕ УСЛУГ В УЗБЕКИСТАНЕ //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 36. – С. 27-45.
26. Мирзаева Ш. Н. ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ПОДДЕРЖКИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА И ДЕЛОВОЙ АКТИВНОСТИ ЖЕНЩИН //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 36. – С. 46-56.
27. Nodirovna, M. S. . (2023). Banks and Development of Banking Services in the Republic of Uzbekistan. Web of Semantic: Universal Journal on Innovative Education, 2(6), 21–30. Retrieved from <http://univerpubl.com/index.php/semantic/article/view/1910>
28. Mirzaeva Shirin Nodirovna. Foreign Experience in Supporting Entrepreneurship and Business Activity of Women. WEB OF SYNERGY: International Interdisciplinary Research Journal Volume2, Issue 5 Year2023 ISSN:2835-3013 <https://univerpubl.com/index.php/synergy>

- https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=PWEi6dQAAAAJ&sortb y=pubdate&citation_for_view=PWEi6dQAAAAJ:dhFuZR0502QC
29. Saidakhmedovich S. T., Nodirovna M. S. The State of Implementation of Innovative Projects in the Service Sector in Uzbekistan //Nexus: Journal of Advances Studies of Engineering Science. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 375-391.
 30. Nodirovna M. S. Creation of an Additional Product in the Service Process in the Republic of Uzbekistan //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 35. – С. 635-643.
 31. Nodirovna M. S. Problems of Development of the Service Sector in the Context of Digital Changes in the Republic of Uzbekistan //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 35. – С. 626-634.
 32. Мирзаева Ш. Н. ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 35. – С. 662-671.
 33. Nodirovna M. S. Improving the Mechanisms For Managing Service Processes in Service Enterprises in the Republic of Uzbekistan //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 35. – С. 644-652.
 34. Шарипов Т. С., Мирзаева Ш. Н. СОСТОЯНИЕ ВНЕДРЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ В СФЕРЕ УСЛУГ В УЗБЕКИСТАНЕ //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 36. – С. 27-45.
 35. Nodirovna M. S. Developing Rural Services and Increasing the Living Standards of the Population in the Republic of Uzbekistan //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 35. – С. 653-661.
 36. Nodirovna M. S. The Current State of Activity and State Policy in the Field of Economic Development of Service Sector Entities in the Republic of Uzbekistan //Nexus: Journal of Advances Studies of Engineering Science. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 218-226.
 37. Baxtiyorovna M. G., Abdukhalilovich S. S., Nodirovna M. S. Directions of Improvement of the Mechanism of State Support of Business Entities //Pioneer: Journal of Advanced Research and Scientific Progress. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 1-7.
 38. Azizbek A. et al. Economics of Service Providing Enterprises Concept of Authority //Nexus: Journal of Advances Studies of Engineering Science. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 366-374.
 39. Nodirovna M. S. Developing Rural Services and Increasing the Living Standards of the Population in the Republic of Uzbekistan //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 35. – С. 653-661.
 40. Nodirovna M. S. ESTABLISHMENT AND MAINTENANCE OF CENTRALIZED SERVICE AGENCIES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities. – 2023. – Т. 11. – №. 1. – С. 631-637.
 41. Boliboev A. A. et al. METHODS OF PLANNING PRODUCTION PROCESSES //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – Т. 24. – С. 961-964.
 42. Nodirovna M. S., Ugli S. T. T., Abduazizovich A. I. WAYS TO INCREASE THE EFFICIENCY OF GOVERNMENT SERVICES IN THE EMPLOYMENT OF THE POPULATION IN UZBEKISTAN //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – Т. 23. – С. 29-37.
 43. Yazdonov Q. G., Ubaydullayev B. S., Mirzaeva S. N. THE PROBLEM OF ORGANIZING THE WORKPLACE AT THE ENTERPRISE //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – Т. 24. – С. 982-985.
 44. Djaborovna P. D. et al. Opportunities for Small Business and Private Entrepreneurship Development in Rural Areas //American Journal of Economics and Business Management. – 2022. – Т. 5. – №. 6. – С. 141-145.

45. Boliboev A. A. et al. METHODS OF PLANNING PRODUCTION PROCESSES //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – Т. 24. – С. 961-964.
46. Nodirovna M. S., Ugli S. T. T., Abduazizovich A. I. WAYS TO INCREASE THE EFFICIENCY OF GOVERNMENT SERVICES IN THE EMPLOYMENT OF THE POPULATION IN UZBEKISTAN //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – Т. 23. – С. 29-37.
47. Мирзаева Ш. Н. и др. ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ //BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 4. – С. 428-438.
48. Nodirovna M. S., Ta'nakulovich T. K., Vaxtiyorovich S. J. WAYS TO IMPROVE THE EFFICIENCY OF MEDICAL SERVICES IN THE CONDITIONS OF THE DIGITAL ECONOMY //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – Т. 22. – С. 182-186.
49. Шарипов Т. С., Мирзаева Ш. Н. СОСТОЯНИЕ ВНЕДРЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ В СФЕРЕ УСЛУГ В УЗБЕКИСТАНЕ //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 36. – С. 27-45.
50. Mirzaeva S. N. Ways to Increase Investment Potential in Samarkand Region //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2022. – Т. 9. – №. 2. – С. 471-476.
51. Шарипов Т. С., Мирзаева Ш. Н. СОСТОЯНИЕ ВНЕДРЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ В СФЕРЕ УСЛУГ В УЗБЕКИСТАНЕ //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 36. – С. 27-45.
52. Nodirovna M. S. Foreign Experience in Supporting Entrepreneurship and Business Activity of Women //Web of Synergy: International Interdisciplinary Research Journal. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 654-665.
53. Nodirovna M. S. Banks and Development of Banking Services in the Republic of Uzbekistan //Web of Semantic: Universal Journal on Innovative Education. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 21-30.
54. Qarshieva M. S. N. C. M., Shaptakov J. U. The Composition of the Income of Service Workers and Ways of its Improvement (On the Example of Educational Institutions) //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – Т. 4.
55. Nodirovna M. S. FOREIGN TO THE SECTORS OF ECONOMY OF UZBEKISTAN ATTRACTING INVESTMENTS.
56. Сидоров В. А., Турсунов И. Э., Шарипов Т. С. ЭКОНОМИКА ИННОВАЦИЙ: ПРОБЛЕМА ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО ПРОРЫВА //НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ. – С. 22.
57. Абдукаримов Б. А. Ички савдо иқтисодиёти //Т.:«Фан ва технология», II. – 2014. – Т. 2008. – С. 224.
58. Шарипов Т. С., Абдукаримов Б. А. Умумий овқатланиш: ҳолати, муаммо ва ечимлар. Монография //Тошкент: Иқтисодиёт. – 2011.
59. Абдукаримов Б. А. ва бошқ. Савдо иқтисодиёти муаммолари. Ўқув қўлланма //Т.: Иқтисод-молия. – 2016. – Т. 504.
60. Sharipov T. S., Uroкова M. G. Sustainable Directions of Employment Relations in the Service Service in Uzbekistan //JournalNX. – С. 503-506.
61. Saidahmedovich S. T. THE CONCEPT OF MANAGEMENT IN ENTERPRISE MANAGEMENT AND ITS SPECIFICITY Kilichova Orzigul Zafar kizi Student Samarkand Institute of Economics and Service.

62. <https://scholar.google.com/scholar?oi=bibs&cluster=8879244538802359659&btnI=1&hl=ru>
63. Mirzayeva S. N. Prospects for the Development of Small Business and Entrepreneurship in the Digital Economy //American Journal of Economics and Business Management. – Т. 5. – С. 3.
64. Махмудов Л. У. Тадбиркорлик соҳасида электрон тижоратнинг тутган ўрни //Иновацион технологиялар. – 2020. – №. 2 (38). – С. 77-82.
65. Ubaydullooglu M. L. Improving the Innovation Management System in E-Commerce //EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION. – 2022. – Т. 2. – №. 1. – С. 257-262.
66. Makhmudov L. E-commerce taxation procedure: international and national standards //Результаты научных исследований в условиях пандемии (COVID-19). – 2020. – Т. 1. – №. 03. – С. 60-75.
67. Abdurkarimov M. F., Kritskov L. V. Boundary control problem for the one-dimensional Klein-Gordon-Fock equation with a variable coefficient. The case of control by displacement at one endpoint with the other endpoint being fixed //Differential equations. – 2013. – Т. 49. – С. 731-743.
68. Kritskov L. V., Abdurkarimov M. F. Boundary control of the displacement at one end with the other end free for a process described by the telegraph equation with a variable coefficient //Doklady Mathematics. – Springer US, 2013. – Т. 87. – С. 351-353.
69. Abdurkarimov M. F. On optimal boundary control of displacements in the process of forced vibrations on both ends of a string //Dokl. Akad. Nauk Resp. Tadzhikistan. – 2013. – Т. 56. – №. 8. – С. 612-618.
70. Абдукаримов Б. А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти (дарслик) //Т.: Фан. – 2005.
71. Абдукаримов Ф. Б. А. САВДО ХИЗМАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ //Журнал Иновации в Экономике. – 2021. – Т. 4. – №. 11.
72. Абдукаримов Б. А. ва бошқ. Савдо иқтисодиёти муаммолари. Ўқув қўлланма //Т.: Иқтисод-молия. – 2016. – Т. 504.
73. Abdurkarimov M. F. Optimal boundary control of forced vibrations by the displacement at one end of the string with the other end fixed //Differential Equations. – 2014. – Т. 50. – С. 677-688.
74. Abdurkarimov F. B. RESEARCH AND SYSTEMATIZATION OF TRADE SERVICES SERVES TO IMPROVE THE COUNTRY'S ECONOMY IN THE CORONAVIRUS PANDEMY PERIOD //Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities. – 2021. – Т. 1. – №. 1.1 Economical sciences.
75. Abdurkarimov F. B. THE ROLE OF TRADING SERVICES IN THE DEVELOPMENT OF THE COUNTRY'S ECONOMY //Economics and Innovative Technologies. – 2021. – Т. 2021. – №. 6. – С. 1.
76. Abdurkarimov M. F. On a Boundary Control Problem for Forced String Os-cillations. – 2012.
77. Абдукаримов Ф. Б. Савдода бозор механизмини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш йўллари (Самарқанд вилояти мисолида) //Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Самарқанд: СамИСИ. – 2011. – Т. 156.
78. Pulatov M. INTELLECTUAL PROPERTY PARAMETERS OF FINANCIAL REPORTING. – 2016.
79. Pulatov, M. (2016). INTELLECTUAL PROPERTY PARAMETERS OF FINANCIAL REPORTING.

80. Махмудов Л. У. Тадбиркорлик соҳасида электрон тижоратнинг тутган ўрни //Иновацион технологиялар. – 2020. – №. 2 (38). – С. 77-82.
81. Ubaydullooglu M. L. Improving the Innovation Management System in E-Commerce //EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION. – 2022. – Т. 2. – №. 1. – С. 257-262.
82. Makhmudov L. E-commerce taxation procedure: international and national standards //Результаты научных исследований в условиях пандемии (COVID-19). – 2020. – Т. 1. – №. 03. – С. 60-75.
83. Kuziboyeva O., Haydarov J. FELINE RHINOTRACHEITIS IN THE POPULATION DISEASE SPREAD //Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 284-286.
84. Negmatova K. et al. Effective Composite Chemical Reagents Based on Organic and Inorganic Ingredients for Drilling Fluids Used in the Process of Drilling Oil Wells //Advanced Materials Research. – 2012. – Т. 413. – С. 544-547.
85. Qizi B. D. F. Analysis of the Influence of the Investment Environmental Attractiveness on the Socio-Economic Development of Regions (On the Example Of Navoi Region) //Nexus: Journal of Advances Studies of Engineering Science. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 131-141.